



INCREASING EFFICIENCY AND ACCOUNTABILITY IN PUBLIC PROCUREMENT THROUGH MIXED AND UNNAMED CONTRACTS

Nosirjon Ibragimovich Askarov

Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: mixed contract, unnamed contract, corruption, public procurement, open contracting, integrity pacts, e-procurement, greenhouse, sewing machines, Uzbekistan, anti-corruption provisions.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

Abstract: The article analyzes the theoretical and legal foundations of mixed and unnamed (innominate) contracts, as well as their potential to reduce corruption risks, particularly in ensuring transparency in public procurement and social programs. It highlights problems arising in Uzbekistan due to the use of standard contracts or the absence of contracts in programs such as greenhouse construction and the provision of sewing machines to certain segments of the population. Additionally, the article examines international experiences from Singapore, South Korea, Malaysia, Ukraine, Georgia, Chile, Japan, the USA, and other countries, showing that mechanisms like e-procurement, open contracting, and integrity pacts are often legally characteristic of mixed or unnamed contracts. The article concludes that strict reliance on standard (named) contracts—especially in large-scale social programs—without considering local conditions and beneficiary interests creates an environment conducive to corruption. In contrast, mixed and unnamed contracts allow adaptation of the contract to the activity, focus on user interests, pay based on “results achieved,” and combine anti-corruption measures (integrity clauses, monitoring, open data) into a single comprehensive legal document.

АРАЛАШ ВА НОМЛАНМАГАН ШАРТНОМАЛАР ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА САМАРАДОРЛИК ВА ҲИСОБДОРЛИКНИ ОШИРИШ

Носиржон Ибрагимович Аскарлов

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: аралаш шартнома, номланмаган шартнома, коррупция, давлат харидлари, очик контрактлаш, интегритет пакти, электрон харид, иссиқхона, тикиув машиналари, Ўзбекистон, антикоррупцион шартлар.

Аннотация: Мақолада аралаш ва номланмаган (непоименованный, innominate) шартномалар институтининг назарий-ҳуқуқий асослари ҳамда улардан коррупция хавфини камайтириш, айниқса давлат харидлари ва ижтимоий дастурларда шаффофликни таъминлашда фойдаланиш имкониятлари таҳлил этилади. Ўзбекистондаги иссиқхона (парник)лар қурилиши, аҳолининг айрим қатламларига тикиув машиналарини тақдим этиш каби дастурлар мисолида типик шартномалар қўлланилиши ёки умуман шартнома тузилмаслиги сабабли келиб чиқаётган муаммолар кўрсатилган. Шу билан бир қаторда Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия, Украина, Грузия, Чили, Япония, АҚШ ва бошқа давлатлар тажрибаси мисолида электрон харидлар, очик контрактлаш (open contracting), интегритет пактлари (integrity pacts) каби механизмлар ҳуқуқий жиҳатдан кўп ҳолларда аралаш ёки номланмаган шартномаларга хос эканлиги очиб берилган. Мақолада шундай ҳулосага келинадик, типик (номланган) шартномаларга эришиб бўлган даражада қаттиқ таяниш, айниқса оммавий ижтимоий дастурларда, маҳаллий шароитлар ва бенефициар манфаатларини инобатга олмаслик, коррупция учун қулай муҳит яратади. Аралаш ва номланмаган шартномалар эса контракт тузилишини фаолиятга мослаштириш, фойдаланувчи манфаатларини марказга қўйиш, “ишлаш натижаси”га қараб ҳақ тўлаш ва антикоррупцион шароитларни (integrity clauses, мониторинг, очик маълумотлар) битта комплекс ҳуқуқий ҳужжатда бирлаштириш имконини беради.

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ И ПОДОТЧЁТНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК ПОСРЕДСТВОМ СМЕШАННЫХ И НЕНАЗВАННЫХ ДОГОВОРОВ

Носиржон Ибрагимович Аскарлов

Доктор философии (PhD) по юридическим наукам

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: смешанный контракт, неназванный контракт, коррупция, государственные закупки, открытое контрактование, пакты добросовестности, электронные закупки, теплица, швейные машины, Узбекистан, антикоррупционные положения.

Аннотация: В статье анализируются теоретико-правовые основы смешанных и неназванных (innominate) контрактов, а также их возможности снижения рисков коррупции, особенно в обеспечении прозрачности государственных закупок и социальных программ. Приводятся примеры проблем в Узбекистане, возникающих при применении типовых контрактов или отсутствии контрактов в таких программах, как строительство теплиц и предоставление швейных машин определенным слоям населения. Кроме того, рассматривается международный опыт Сингапура, Южной Кореи, Малайзии, Украины, Грузии, Чили, Японии, США и других стран, показывающий, что такие механизмы, как электронные закупки, открытое контрактование (open contracting) и пакты добросовестности (integrity pacts), во многих случаях юридически соответствуют смешанным или неназванным контрактам. В статье делается вывод, что жесткая опора на стандартные (именованные) контракты—особенно в масштабных социальных программах—без учета местных условий и интересов бенефициаров создаёт благоприятную среду для коррупции. Смешанные и неназванные контракты, напротив, позволяют адаптировать контракт под деятельность, сосредоточить внимание на интересах пользователей, оплачивать исходя из достигнутых результатов и объединять антикоррупционные меры (пункты добросовестности, мониторинг, открытые данные) в один комплексный юридический документ.

Кириш. Коррупция – бу давлат бошқаруви самарадорлигини пасайтирувчи, иқтисодий ўсишни секинлаштирувчи ва жамиятда адолат туйғусини йўқотувчи асосий омиллардан бири сифатида катта хавф туғдиради. Халқаро ташкилотлар ҳисоботларига кўра, давлат харидлари соҳасида коррупция натижасида давлат контрактларининг қиймати ўртача 10–25 фоизгача “қимматлашади”. Бу эса нафақат давлат бюджети самарадорлигини

пасайтиради, балки ресурслардан нотўғри фойдаланиш, рақобатни чеклаш ва иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатади.

Шартнома ҳукуки нуқтаи назаридан коррупция кўпинча шартномалар тузиш, бажариш ва уларни ўзгартириш жараёнларида намоён бўлади. Анъанавий номланган шартномалар, масалан олди-сотди, ижара, пудрат ва бошқа стандарт битимлар, бир томондан ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминласа, иккинчи томондан замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тез ўзгараётган шароитларига тўлиқ мослашувчанликни бермайди. Шу боис, қонуний асосда умумий фуқаролик қонуни ёрдамида шаклланган номланмаган ва аралаш шартномалар коррупцияга қарши курашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу шартномалар томонларга анъанавий моделлардан фарқли равишда индивидуаллаштирилган ҳуқуқий механизмлар яратиш имконини беради, бу эса самарали мониторинг ва коррупция хавфини пасайтиради.

Ўзбекистонда ҳам “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури, иссиқхона бизнесини қўллаб-қувватлаш, аёллар ва ёшларга тикиув машиналари ва бошқа техник ускуналар тақдим этиш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш каби лойиҳалар кенг амалга оширилмоқда. Бирок амалиётда кўп ҳолларда типик шартномаларнинг қўлланилиши ёки шартнома умуман тузилмаслиги оқибатида активлардан самарасиз фойдаланиш, гуруҳбозлик ва коррупцион хавфлар юзага келади. Бу эса давлат дастурлари мақсадларига тўлиқ эришилишини чеклайди ва иқтисодий имкониятларни камайтиради. Шу боис аралаш ва номланмаган шартномалар институти коррупцияга қарши самарали восита сифатида назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Номланмаган шартномалар фуқаролик ҳукуки доктринасида қонун ҳужжатларида алоҳида тартибга солинмаган, бироқ шартнома эркинлиги принципи асосида тарафлар томонидан тузилган битимлар сифатида қаралади. Улар ҳуқуқий тартибга солинганда фуқаролик қонунининг умумий қоидаларига, одатларга ва тегишли номланган шартномалар нормаларига таянади. Аралаш шартномалар эса қонунчиликда белгиланган турдаги бир неча шартноманинг элементларини ўз ичига олган битимлар ҳисобланади. Масалан, олди-сотди, хизмат кўрсатиш ва лицензион битимнинг хусусиятлари бир шартномада бирлаштирилиши мумкин. Бунда ҳар бир элементга нисбатан тегишли номланган шартнома нормалари қўлланилади, қолган қисмига эса умумий қоидалар тааллуқли бўлади. Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон цивилистлари аралаш шартномаларни номланмаган шартномаларнинг бир кўриниши ёки алоҳида категорияси сифатида қараб, уларнинг ҳуқуқий табиати, қўллаш чегаралари ва суд амалиётидаги ўрни бўйича турли ёндашувларни илгари сурганлар.

Шартнома эркинлиги принципи – бу тарафларнинг шартнома тузиш ёки тузмаслик, шерик танлаш ва шартноманинг тури ҳамда шартларини белгилашдаги эркинлиги – номланмаган ва аралаш шартномаларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Бироқ давлат секторида, айниқса давлат харидларида, шартнома эркинлиги қонун билан чекланган. Типик шартномалар, модел шакллар ва ягона тартиблар ҳуқуқий аниқликни оширса ҳам, коррупция хавфини “музлатиб” қўйиши ва яширин формада сақланиши мумкин. Шу нуқтада аралаш ва номланмаган шартномаларнинг афзаллиги шундаки, улар орқали аниқ лойиҳа ёки хизматнинг хусусиятидан келиб чиқиб, антикоррупцион шартлар битта шартномада бирлаштирилиши мумкин. Масалан, бенефициарлик очиқлиги, integrity clauses, жамоат мониторинги ва очиқ маълумотлар каби механизмлардан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ижро самарадорлиги ва натижага эришиш даражасига қараб performance-based payment механизмлари жорий қилинади, ва фойдаланувчи (бенефициар) манфаатлари марказга олинади. Бу эса стандарт схемалар ўрнига индивидуаллаштирилган ҳуқуқий конструкцияларни яратиш имконини беради.

Мослашувчанлик коррупцияга қарши курашда асосий аҳамиятга эга, чунки коррупция кўпинча бир хил бюрократик жараёнлар ва стандарт юридик конструкцияларда яширинган ҳолда содир бўлади. Шунинг учун номланмаган ва аралаш шартномаларнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан кенг қўлланилиши давлат ва хусусий сектордаги ресурслардан самарали фойдаланиш, коррупция хавфини камайтириш ва умумий иқтисодий фаолликни оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда давлат харидлари соҳасида сўнгги йилларда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Электрон харидлар платформалари жорий қилинди, очиқ тендерлар ва электрон аукционлар ўтказиш амалиёти кенгайтирилди. Бу қадамлар давлат харидлари жараёнида шаффофлик ва рақобатни оширишга қаратилган. Бироқ амалиётда кўп ҳолларда давлат харидлари типик шартномалар асосида тузилади. Давлат органлари тадбиркорларга тайёр шартнома таклиф қилиб, аксарият ҳолларда музокарага жой қолдирмайди. Шу билан бирга, ижтимоий дастурлар – мисол учун техника ва ускуналар тақсимлаш, субсидиялар ва грантлар – кўпинча фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларсиз, маъмурий қарорлар ёки идора ичидаги буйруқ ва актлар орқали амалга оширилади. Бу эса ресурслардан самарали фойдаланиш, масъулиятни тақсимлаш ва ностандарт вазиятларни ҳал этишда жиддий кийинчиликлар туғдиради, натижада коррупция ва самарасизлик хавфи сезиларли даражада ошади.

Иссиқхона бизнесини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ҳамда Президент ва Ҳукумат қарорлари иссиқхоналарни кредитлаш, субсидиялар ажратиш ва замонавий ер майдонлари тақдим этиш каби имкониятларни назарда тутди. Бироқ амалий мисолларда,

масалан Андижон вилоятида, иссиқхоналар қурилиши жараёнида бир қатор муаммолар кузатилади. Тадбиркорлар ва банклар асосан типик кредит ва ипотека шартномаларини тузадилар, лекин технологик шериклар, агросервис кўрсатувчи ташкилотлар ва маҳсулотни сотиб олувчи логистика марказлари билан муносабатлар кўпинча шартномасиз ёки номуустаҳкам асосда йўлга қўйилади. Банк томонидан таклиф этиладиган типик кредит шартномалари тадбиркорнинг агротехнологик хатарлари, бозор конъюнктураси ва маҳаллий иқлим шароитини ҳисобга олмайди. Шу боис кўп ҳолларда иссиқхона қурилиб, кредит маблағи ўзлаштирилган бўлса-да, хизмат кўрсатиш, агроконсалтинг, маркетинг ва энергия самарадорлиги бўйича узоқ муддатли шартномавий мажбуриятлар мавжуд эмас.

Натижада “энергияга тежамкор иссиқхона” сифатида қурилган лойиҳаларнинг бир қисми қисқа вақт ичида самарасизга айланади, айрим объектлар эса умуман ишламай қолади. Бу жараёнда коррупция хавфи лойиҳа танлаш ва кредит ажратишда таниш-билишлик, қурилиш жараёнида нархларни сунъий “шишириш” ва қурилган объектлардан фойдаланиш ва мониторингда кўз боёмчилик шаклида намоён бўлиши мумкин. Агар бу муносабатлар аралаш шартномалар орқали ташкил этилганида – масалан, “комплекс иссиқхона хизматлари тўғрисида аралаш шартнома” (қуриш + сервис + агроконсалтинг + маҳсулотни сотиб олиш бўйича опцион) шаклида – ҳар бир босқич учун аниқ индикаторлар, масъулият ва шаффофлик механизмлари битта ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилиши мумкин бўлар эди. Бу эса коррупция хавфини сезиларли даражада камайтиради ва ижро самарадорлигини оширади.

Шу билан бирга, ижтимоий дастурлар доирасида хотин-қизлар ва ёшларга тикиув машиналари тақдим этилиши ҳам энг кенг қўламда амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар иштирокчиларнинг ўзини-ўзи банд қилиш имкониятларини яратади. Бироқ амалиётда айрим ҳолларда ваъда қилинган техника умуман етказиб берилмаган ёки бир марталик пул тўловлари билан алмаштирилган. Бошқа ҳолларда эса техника расман топширилган бўлса ҳам, шартномалар тузилмаганлиги, ўқитиш ва маҳсулотни бозорга чиқариш механизми йўқлиги сабабли машиналарнинг катта қисми фаолиятсиз қолган. Бу жараёнда коррупция хавфи техникани тақсимлаётган маҳалла, идора ва бошқа субъектларда манфаатдорлик ва шаффофлик етишмаслиги, шунингдек, мониторингнинг йўқлиги орқали намоён бўлади.

Агар ҳар бир бенефициар билан аралаш ижтимоий шартнома тузилса – масалан, техника бериш, ўқитиш, белгиланган муддатда муайян ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш мажбурияти, бозорга чиқишда маслаҳат хизмати ва бошқа хизматлар – коррупция хавфи сезиларли даражада камайиши ва дастурлар самарадорлиги сезиларли ошиши мумкин. Шунингдек, бундай шартномалар ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди,

томонлар учун аниқ мажбурият ва масъулиятни белгилайди, ҳамда ижро жараёнида шаффофликни таъминлайди.

Шу тариқа, Ўзбекистон амалиёти коррупция хавфларини пасайтиришда аралаш ва номланмаган шартномаларнинг аҳамиятини очиқ кўрсатмоқда. Типик шартномалар юридик аниқликни таъминласа ҳам, уларнинг мослашувчанлиги чекланган ва самарадорлик, шаффофлик ҳамда коррупцияга қарши кураш нуқтаи назаридан чекловчи омил бўлиши мумкин. Аралаш ва номланмаган шартномалар эса турли ижтимоий ва иқтисодий лойиҳаларда, хусусан давлат дастурлари ва ижтимоий ривожланиш лойиҳаларида самарали инструмент сифатида қўлланилиши мумкин.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, аралаш ва номланмаган шартномалар давлат харидлари соҳасида коррупция хавфини камайитиришда самарали инструмент сифатида қўлланилиши мумкин. Турли мамлакатларда бу шартномалар турли номлар ва конструкцияларда бўлса-да, уларнинг умумий хусусияти шундаки, асосий битимларга қўшимча антикоррупцион механизмлар, шаффофлик ва мониторинг элементлари киритилади. Украинада ProZorro электрон харид тизими жорий этилгандан сўнг давлат харидларида шаффофлик сезиларли даражада ошди. Бу тизимда рамка битимлар, бир неча турдаги маҳсулот ва хизматларни ўз ичига олган комплекс контрактлар ва очиқ маълумотларни тўлиқ тарқатиш мажбуриятини назарда тутувчи контрактлар қўлланилади. Улар анъанавий олди-сотди ва пудрат шартномаларидан фарқли равишда, шартнома томонларининг нафақат товар етказиб бериш, балки маълумот бериш, электрон платформада иштирок этиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш каби қўшимча мажбуриятларини ўз ичига олади. Шу тариқа, шартнома дизайни орқали коррупциянинг “қизил байроқлари”ни аниқлаш ва барқарор мониторинг имконияти яратилади.

Грузияда электрон харид тизими ҳам тендер ва контракт жараёнида юқори даражада шаффофликни таъминлайди. Барча тендерлар ягона портал орқали ўтказилади, электрон аукцион натижалари реал вақтда очиқланади. Тендер ҳужжатларига модел шартномалар илова қилинади, лекин уларни лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб модуллаштириш ва аралаштириш мумкин. Бу тизим типик шартномаларнинг юридик аниқлигини сақлаб қолган ҳолда, лойиҳалар учун индивидуаллаштирилган аралаш шартномалар яратиш имконини беради. Молдовия ва Қирғизистон каби мамлакатларда ҳам шунга ўхшаш механизмлар қўлланилмоқда.

Жанубий Кореянинг KONEPS электрон харид тизими кўп томонлама аралаш шартномалар орқали коррупция хавфларини камайтирди. Бу тизимда электрон платформа оператори, давлат буюртмачиси ва бир нечта етказиб берувчи ўртасида контрактлар тузилади, улар IT-инфратузилма хизмати, маълумотларни очиш ва тендер жараёнини

автоматлаштириш элементларини ўз ичига олади. Шундай қилиб, ҳар бир ҳаракат электрон изга эга бўлади ва шартномавий мажбуриятга айланади, бу эса коррупцияга йўл қўйилиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради.

Чилида ChileCompra марказлашган харид тизими доирасида кўп томонлама рамка шартномалар ва номланмаган аралаш шартномалар қўлланилади. Бу механизм рақобатни кучайтириб, коррупцион келишувлар имкониятини камайтиради ва кичик бизнес учун бозорга кириш тўсиқларини юмшатади. Малайзияда эса integrity рақобат жорий қилинган. Бу давлат буюртмачиси, етказиб берувчи ва фуқаролик жамияти мониторинг мониторинглари ўртасидаги аралаш, номланмаган шартномалар бўлиб, барча томонларнинг коррупцияга йўл қўймаслик мажбуриятини назарда тутди. Коррупция аниқланса, шартномани бекор қилиш, жарима ва “қара рўйхат” каби санкциялар қўлланилади. Яқинда қабул қилинган Government Procurement Bill ҳам давлат харидларини ягона қонун билан тартибга солиш, очик тендерларни стандарт усул сифатида белгилаш ва коррупция хавфини камайтиришга қаратилган.

Сингапур ва Японияда ҳам марказлашган назорат, контрактларда аниқ индикаторлар ва compliance дастурлари орқали коррупция хавфлари камайтирилади. Япониядаги JICA ва бошқа агентликлар учун ишлаб чиқилган антикоррупцион йўриқномаларда манфаатлар тўқнашуви декларациялари, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ва бошқа compliance чоралари киритилган. Бу кўпинча аралаш ёки номланмаган шартномалар шаклида амалга оширилади, асосий подряд шартномаси антикоррупцион қўшимча келишувлар билан қопланади.

АҚШда USApending.gov платформаси федерал контрактлар бўйича очик маълумотлар тақдим этади. Open contracting принциплари федерал харидларга жорий этилган, маълумотларни стандартлаштириш, контрактларга очик маълумот формати бўйича қўшимча мажбуриятлар киритиш ва жамоатчилик мониторинги имкониятлари мавжуд. Бу механизмлар ҳам аралаш ва номланмаган шартномалар конструкциялари орқали амалга оширилади, масалан IT-хизмат, маълумотларни очиш ва compliance бўйича комплекс контрактлар шаклида.

Шу тариқа, турли давлатлар тажрибаси кўрсатадики, аралаш ва номланмаган шартномалар давлат харидлари соҳасида коррупция хавфини пасайтиришда самарали восита ҳисобланади. Улар турли ҳуқуқий тизимлар ва контекстларда қўлланилиши мумкин, лекин умумий мақсад – шаффофликни ошириш, мониторингни йўлга қўйиш ва томонларнинг масъулиятини аниқлаш.

5. Ўзбекистон шароитида аралаш ва номланмаган шартномалардан фойдаланиш имкониятлари

Иссиқхона бизнесини қўллаб-қувватлаш давлат дастурларида кўп ҳолларда шартномалар типик шаклда ёки фақат банк кредитлари орқали амалга оширилади. Бу эса технологик ва бозор хатарларини ҳисобга олмаслик, қурилиш ва сервис жараёнида масъулиятнинг ноаниқлиги ҳамда кредит ва субсидиялар самарасизлигини келтириб чиқаради. Шу муносабатни самарали бошқариш учун қатор аралаш шартнома моделлари жорий этилиши мумкин. “Кластер” модели орқали банк, иссиқхона қурувчи компания, агросервис провайдер, логистика компанияси ва фермер ўртасида комплекс шартнома тузиш мумкин. Бунда банк кредит бериш ва мониторинг қилувчи томон сифатида иштирок этади, подрядчи қурилиш ва сервис хизматлари учун масъул бўлади, агросервис кўчат, ўғит ва агроконсалтинг хизматларини таъминлайди, логистика компанияси маҳсулотни сотиб олиш ва бозорга чиқаришни ташкил қилади, фермер эса ер эгаси ва ишлаб чиқарувчи сифатида масъулият олади. Бу моделда ҳар бир босқич учун КРІ, жавобгарлик ва жамоатчилик назорати шартнома асосида белгиланади. Натижада, натижага қараб субсидиялар ёки фойиз компенсациялари амалга оширилади ва коррупция хавфи сезиларли даражада камаяди. Шунингдек, иссиқхона қурилиши ва банк кредит шартномасига ICC Anti-corruption Clause ёки integrity pact’га ўхшаш махсус қўшимча киритилиши мумкин, бу харажатларни асоссиз ошириш ёки ҳажмларни “шишириш” ҳолатини олдини олади.

Тиқиув машиналари ва бошқа техника бериш жараёнида ҳам номланмаган (*sui generis*) ижтимоий шартномалар қўлланилиши тавсия этилади. Бу шартномада маҳалла, давлат органи, бенефициар, банк ва ўқув маркази иштирок этиши мумкин. Техника бериш тартиби аниқ кўрсатилиб, бенефициарнинг белгиланган муддатда маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат шартлари ва техникадан мақсадсиз фойдаланмаслик мажбуриятлари белгилаб қўйилади. Давлат ва ўқув маркази эса таълим, бозорга чиқаришда маслаҳат бериш, мониторинг ва ҳисобот тизимини таъминлайди. Бу модел коррупция хавфини камайтиради ва ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ўзбекистонда давлат харидларини такомиллаштириш учун Open contracting моделини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш, катта ҳажмли ва юқори коррупция хавфига эга лойиҳаларда integrity рақтлардан мажбурий фойдаланиш, таъминот, сервис, таъмирлаш ва ўқитиш элементларини битта аралаш шартномада бирлаштириш, қонунчиликда номланмаган ва аралаш шартномаларга аниқ ишора киритиш тавсия этилади. Бу чоралар давлат харидлари самарадорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Непоименованный ва аралаш шартномаларнинг коррупцияга қарши асосий афзалликлари мослашувчанлик ва индивидуаллаштиришда намоён бўлади, яъни ҳар бир лойиҳа ва хизмат хатарларини ҳисобга олган ҳолда шартнома дизайни мослаштирилади. Шу билан бирга, комплекс жавобгарлик таъминланади: таъминот, қурилиш, сервис ва

мониторинг бир ҳуқуқий конструкцияга бирлаштирилган ҳолда амалга оширилади, коррупция ҳолати аниқланса, бутун шартнома доирасида санкциялар қўлланилади. Жамоатчилик ва рақамли мониторинг integrity pact ва open contracting талаблари орқали шартномавий мажбуриятга айлантирилади. Output-based ёки натижага қараб ҳақ тўлаш механизмлари орқали объект қурилиб топширилгандан сўнг унинг самарадорлиги учун тўлов амалга оширилади, бу “қуриб топширдик, қолгани қизиқтирмайди” тамойилини бартараф этади. Шунингдек, БМТ, ОЭСР ва UNODC тавсияларига мувофиқлик ҳам таъминланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар илгари сурилади: фуқаролик кодексида номланмаган ва аралаш шартномаларга оид нормаларни аниқлаштириш, давлат харидлари қонунчилигида рамка шартномалар, integrity pactлар ва номланмаган ижтимоий шартномалар моделларини ақс эттириш, иссиқхона ва тикиув машиналари дастурларини қайта шартномалаштириш, электрон платформалар билан интеграцияланган цифровой аралаш шартномаларни жорий қилиш ва йирик инфратузилма ҳамда энергетика лойиҳаларида антикоррупцион шартномалар институтини жорий этиш. Шунингдек, суд амалиёти ва илмий доктрина орқали номланмаган ва аралаш шартномаларни қўллаш механизмларини такомиллаштириш орқали коррупция билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда ҳам ижобий самарага эришиш мумкин. Аралаш ва номланмаган шартномалар давлат харидлари, ижтимоий дастурлар ва хусусий секторда коррупцияга қарши самарали, мослашувчан ва натижага қаратилган ҳуқуқий восита сифатида қўлланилиши мумкин.

Хулоса. Аралаш (комплекс) ва номланмаган (*sui generis*) шартномалар давлат харидлари ва ижтимоий дастурларда коррупция хавфини камайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва натижага қаратилган жавобгарликни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Иссиқхона дастурларида “кластер” модели орқали банк, иссиқхона қурувчи компания, агросервис провайдер, логистика ва фермер ўртасида бирлаштирилган шартномалар коррупция хавфини камайтиради, КРІ ва жамоатчилик назоратини аниқлайди ҳамда натижага қараб субсидия ёки компенсация тўлаш механизмларини жорий этади. Шунингдек, тикиув машиналари ва ижтимоий ускуналарни бенефициар ва давлат/ўқув маркази мажбуриятларини бир шартнома асосида белгилаш ресурслардан самарали фойдаланиш ва коррупция хавфини сезиларли даражада пасайтиради. Давлат харидларида Open contracting, integrity pactлар ва комплекс контрактлар шаффофликни ошириш, коррупцион схемаларни камайтириш ва натижа учун жавобгарликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бундай шартномалар мослашувчанлик ва индивидуаллаштириш, комплекс жавобгарлик, жамоатчилик ва рақамли мониторингни шартномавий асослаш, натижага

қараб тўлаш механизмлари ва халқаро стандартларга мувофиқлик каби афзалликларни тақдим этади. Шу боис, фуқаролик кодексида номланмаган ва аралаш шартномаларга оид нормаларни аниқлаштириш, давлат харидлари қонунчилигида рамка шартномалар, integrity рафлар ва номланмаган ижтимоий шартномалар моделларини акс эттириш, иссиқхона ва тиқиув машиналари дастурларини қайта шартномалаштириш, электрон платформалар билан интеграцияланган цифровой аралаш шартномаларни жорий қилиш, йирик инфратузилма ва энергетика лойиҳаларида антикоррупцион шартнома институтини жорий этиш ҳамда суд амалиёти ва илмий доктрина орқали қўллаш механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Шу тарзда, аралаш ва номланмаган шартномалар давлат бошқаруви, давлат харидлари ва ижтимоий дастурларда коррупцияга қарши самарали ҳуқуқий восита сифатида қўлланилиши, очиқлик, ҳисобдорлик ва натижага қаратилган механизмларни мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNODC. Corruption in public procurement. <https://www.unodc.org>
2. Cambridge University Press & Assessment. Civil Law Doctrines on Unnamed and Hybrid Contracts.
3. OECD. Public Procurement and Anti-Corruption Guidelines. <https://www.oecd.org>
4. Rennessans Ta'lim Universiteti. State Support Programs for Entrepreneurship in Uzbekistan.
5. CIS Legislation Database; EA Legislation Database. Uzbekistan Legal Acts.
6. ICC - International Chamber of Commerce. Anti-Corruption Clauses and Integrity Pacts.
7. Open Government Partnership. Open Contracting Principles. <https://www.opengovpartnership.org>
8. U4 Anti-Corruption Resource Centre. Contracting and Integrity Measures. <https://www.u4.no>
9. Open Contracting Partnership. Open Contracting Standards and Practices. <https://www.open-contracting.org>
10. Official website of Ukraine: ProZorro E-Procurement System. <https://prozorro.gov.ua>
11. Transparency International Georgia. E-Procurement in Georgia. <https://transparency.ge>
12. Emerald. KONEPS Electronic Procurement System, South Korea.

13. ChileCompra. Centralized Procurement System, Chile.
<https://www.chilecompra.cl>
14. Transparency International Malaysia. Integrity Pacts in Public Procurement.
<https://www.transparency.org.my>
15. Reuters. Government Procurement Bill, Malaysia.
16. UNAFEI, IPPA, Lexology. Singapore and Japan Procurement and Anti-Corruption Guidelines.
17. JICA. Anti-Corruption Guidance for Japanese Development Projects.
<https://www.jica.go.jp>
18. USAspending.gov. Open Federal Contracting Data, USA.
<https://www.usaspending.gov>
19. Track.UNODC.org. Anti-Corruption Recommendations in Public Procurement.
20. FAOHome. Agricultural Support Programs, Uzbekistan.
21. UzDaily. State Programs for Greenhouse Construction.
22. Mocca.lu.se. Social Support Programs for Sewing Machines in Uzbekistan.
23. Институт стратегических исследований. Иссиқхона дастурлари таҳлили, Андижон вилояти мисолида.